ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ, ТАШКИЛИЙ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Юлдашев Муталиб Ибрагимович
Тошкент Фан ва технологиялар университети
Иқтисодиёт кафедраси профессори, и.ф.д.

https://doi.org/10.5281/zenodo.11042911

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонни яшил иқтисодиётга ўтишининг объектив зарурлиги ва унинг ташкилий хуқуқий асосларини яратилиши хамда ривожлантирилиши борасида амалга оширилаётган ҳаракатлар тахлил қилинган, натижалари тўғрисида фикр билдирилган. “Яшил иқтисодиёт” тушинчасига муаллиф таърифи берилган.

Калит сўзлар: Яшил иқтисодиёт, иқтисодий тараққиётининг янги босқичи, ташкилий хуқуқий асослар, ривожланиши қонуниятлари, феминизм иқтисодиёти, экология, атроф мухит, қонунчилик, кодекслаштириш, Париж битими, ресурс, тежамкорлик, халқаро конвенция, халқаро шартнома, Экология кодекси.

Аннотация: В статье анализируется объективная необходимость перехода Узбекистана к зеленой экономике, создания и развития ее организационно-правовой базы, а также комментируются его результаты. Автором определено понятие «зеленая экономика».

Ключевые слова: Зеленая экономика, новый этап экономического развития, организационно-правовые основы, законы развития, феминистская экономика, экология, окружающая среда, законодательство, Парижское соглашение, ресурс, экономика, международная конвенция, международное соглашение, Экологический Кодекс.

Abstract: The article analyzes the objective necessity of Uzbekistan's transition to a green economy, the creation and development of its organizational legal framework, and comments on its results. The concept of "green economy" is defined by the author.

Keywords: Green economy, a new stage of economic development, organizational legal bases, laws of development, feminism economy, organizational legal bases, ecology, environment, legislation, codification, Paris agreement, resource, economy, international convention, international agreement, Ecological Code.

Ўзбекистоннинг хам дунё мамлакатлари қатори яшил иқтисодиётга ўтиши объектив зарурат хисобланади ва уни ривожлантириши долизарб масала бўлиб қолмоқда. Шу туфайли мамлакатимизда бундай иқтисодиётни шакллантириш учун қандай ташкилий хуқуқий асосларининг яратилиши ва ривожлантирилиши керак ва бу ҳаракатларимиз бизга нима беради, деган саволларга жавоб беришимиз зарурдир.

Яшил иқтисодиёт жамиятнинг ижтимоий иқтисодий тараққиётининг янги бир босқичи сифатида қаралиб унинг келиб чиқиши сабабларини, ривожланиши қонуниятларини тадқиқ қилиниши зарурлигини тақозо қилмоқда. Яшил иқтисодиётга ўтиш тўғрисида фикрлар айрим тараққий этган мамлакатларда ўтган асрнинг охирида пайдо бўлди ва шундан буён унинг иқтисодий, ташкилий хуқуқий ва илмий амалий асосларини шакллантириш, унга қандай йўллар билан ўтиш масалалари тоборо долизарблашмоқда.

Яшил иқтисодиёт табиий муҳитнинг таркибий қисми бўлиб, унинг бир йўналиши ҳисобланади. Яшил иқтисодиёт тушунчаси иқтисодий фанлар ва фалсафанинг кўплаб

бошқа соҳаларидаги ғояларни ўз ичига оладиган табиат ва жамият билан боғлиқ экологик иқтисодиёт, атроф-муҳит иқтисодиёти, ресурсларга асосланган иқтисодиёт, аҳолининг ривожланиши, феминизм иқтисодиёти каби яшил сиёсат билан боғлиқ иқтисодиётни ўз ичига олади. Шундай экан демак, бизнинг фикримизча "Яшил иқтисодиёт" бу иқтисодий тизим бўлиб, унинг асосий мақсади сайёрамизнинг экологияси ва уни сақлаб қолиш билан бирга иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган, инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарур бўлган ресурсларни, атроф-муҳит ва экологияни барқарор тоза мусаффо хаво бўлишини тааъминлаган ҳолда сақлаб қолиб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ иқтисодиётни янада ривожлантиришни амалга оширишга асосланган иқтисодий фаолиятнинг янги йўналишидир.

Хозирги глобаллашув жараёнида саноатнинг тез суратлар билан ўсиши кескин тараққий этиши ва унинг атроф мухитга зарар келтириши билан боғлиқ салбий холатлар экология соҳасини тартибга солувчи қонун хужжатларини бир бутун яҳлит тизимга солиш, амалдагиларини эса жиддий равишда такомиллаштиришни ва уларни кодекслаштириш асосида яшил иқтисодиётнинг ташкилий хуқуқий базасини яратишни тақозо қилмоқди. Шу мақсадида Ўзбекистон Президентининг Республика Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳукумат саноат ривожини экологияга таъсирининг олдини олиш бўйича 2025 йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишини, ва бунинг учун зарур бўлса нуфузли халқаро экспертларни жалб этган ҳолда Экология кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиши лозимлигини таъкидлаб қизғин амалий ишлар олиб борилиши тўғрисида топшириқлар берган эди. Шу муносабат билан бугунги кунга қадар Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўн битта халқаро конвенция, битим ва улар доирасидаги еттита кўп томонлама халқаро шартномага қўшилди. Жумладан, Париж битимини ратификация қилган томон сифатида 2030 йилга келиб иссиқхона газлари солиштирма ташланмаларини 2010 йилдаги даражага нисбатан 10 фоиз қисқартириш бўйича мажбурият олган[1]. Шундан келиб чиқиб, давлат дастурининг тегишли бандига мувофиқ, Ўзбекистоннинг Париж битимига қўшилиши муносабати билан "яшил иқтисодиёт"га ўтиш бўйича давлат стратегиясини ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда бу йўналишда экологик соф, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилиши орқали яшил иқтисодиётнинг ташкилий хуқуқий базаси яратилмоқда.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўн битта халқаро конвенция, битим ва улар доирасидаги еттита кўп томонлама халқаро шартномаларга қўшилган. Мамлакатимизнинг янги ривожланиш босқичида барча соҳалар каби атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларнинг инсон саломатлигига салбий таъсирининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар барқарор ривожланиш кафолати бўлмоқда. Албатта, бу ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилган.

Хусусан, Конституциянинг 50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деб кўрсатилган. Бу эса фуқароларнинг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ҳайвонот, ўсимликлар дунёси ва бошқа табиий захиралардан оқилона фойдаланишни, уларни тиклаш ва муҳофаза қилишни ҳамда ушбу мажбуриятни ўз вақтида бажаришни тақозо этади. Ушбу ҳолат экологик соҳага оид

барча қонунларда ҳам аниқ тарзда ўз ифодасини топгани конституциявий талабларни янада мустаҳкамлайди.

Шунингдек, Асосий қонунимизнинг 54-, 55- ва 100-моддаларида ҳам юридик ва жисмоний шахсларга атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш вазифаси юклатилган. Ушбу конституциявий меъёрлар асосида экология, атроф-муҳит, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ўттиздан зиёд қонун ва уч юзга яқин қонуности ҳужжат қабул қилинган.

Хусусан, мажмуавий, тўғридан-тўғри амал қиладиган Экология кодекси, “Экологик аудит тўғрисида”ги, “Сув таъминоти ва оқова хизматлар тўғрисида”ги қонунлар, Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш концепцияси каби меёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва амалга киритилган.

Давлатимиз томонидан ҳар йили ишлаб чиқиладиган дастурларда ҳам экологик ва ижтимоий ривожланиш соҳасида залворли вазифалар белгилаб борилади.

Албатта, ҳозирги глобаллашув жараёнида саноатнинг тез суратлар билан ривожлантирилиши экология соҳасини тўлиқ қамраб олувчи қонунларни, амалда такомиллаштириб бориш мақсадида уларни кодекслаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан.Республикамиз Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳукумат саноатни ривожлантирилишининг экологияга таъсирини олдини олиш бўйича 2025 йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишини, шунингдек, нуфузли халқаро экспертларни жалб этган ҳолда экологияга таалуқли бўлган барча қонун ва қонуности ҳужжатларни такомиллаштириб боришни Олий мажлис қонунчилик палатаси олдига вазифа қилиб қўйилган.

Малакатимизда экологияга оид қонунчилик базасини тизимлаштириш ҳамда уни кодификациялаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ваколатли давлат органининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, экологик назорат ва мониторинг турлари, экологик экспертизани ўтказиш тартиби, табиий ресурслардан фойдаланишга қўйиладиган талаблар аниқ кўрсатиб қўйилган..

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўн битта халқаро конвенция, битим ва улар доирасидаги еттита кўп томонлама халқаро шартномага қўшилди. Жумладан, Париж битимини ратификация қилган томон сифатида 2030 йилга келиб иссиқхона газлари солиштирма ташланмаларини 2010 йилдаги даражага нисбатан 10 фоиз қисқартириш бўйича мажбурият олган. Шундан келиб чиқиб, давлат дастурининг тегишли бандига мувофиқ, Ўзбекистоннинг Париж битимига қўшилиши муносабати билан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича давлат стратегияси ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда буйўналишда экологик соф, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш бўйича қатор меёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда ва турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан; сўнгги йилларда Экология кодекси қабул қилинди Экология давлат қўмитаси ташкил этилди ва энг муҳими республикамиз Олий мажлиси томонидан Ўзбекистоннинг «Яшил иқтисодиёт»га ўтиш концепцияси қабул қилинди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мавзу бўйича мавжуд бўлган эълон қилинган илмий назарий ва амалий маълумотларни тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хулосалар келинди ва таклифлар шакллантирилди.

Яшил иқтисодиёт дунё мамлакатларининг истиқболда барқарор иқтисодий ижтимоий ривожланишининг асосий драйвери сифатида қаралмоқда ва унинг иқтисодий, ташкилий хуқуқий базасини яратишга ҳаракатлар қилинмоқда. Бу борада Ўзбекистонда хам яшил иқтисодиёт табиий муҳитнинг таркибий қисми сифатида қаралиб унинг ташкилий хуқуқий базасини яратиш бўйича мажмуавий, тўғридан-тўғри амал қиладиган Экология кодекси, “Экологик аудит тўғрисида”ги, “Сув таъминоти ва оқова хизматлар тўғрисида”ги қонунлар, Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш концепцияси каби меёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва амалга киритилган. Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўн битта халқаро конвенция, битим ва улар доирасидаги еттита кўп томонлама халқаро шартномага қўшилди.

Лекин яшил иқтисодиётга ўтиш катта миқдордаги молиявий маблағларни талаб этади.Шу муносабат билан қонунчиликда бу жараёнларни молиялаштиришнинг манбаларини аниқ кўрсатилиши мухимдир.

REFERENCES

1. 2019 йил 4 октябрдаги иқлим ўзгариши масалаларини миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига интеграция қилишга йўналтирилган 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш Стратегияси.
2. https://yuz.uz/news/atrof-muhitni-muhofaza..
3. Bloomberg NEF and United Nations Environment Programme (UNEP), REN21. Renewables 2020 Global status report. Paris-2020. P. 166.
4. https://yumh.uz/images/news/eco_uz.pdf
5. Rajabov N. Zonal policy concept: prospects for effective investment climate management //Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – №. Maxsus son. – С. 212-219.
6. Исаджанов А.А. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг экологик жиҳатлари. Монография. ТДИУ. Илмий тадқиқот маркази. 2020. 137-138 б.
7. Bloomberg NEF and United Nations Environment Programme (UNEP), REN21. Renewables 2020 Global status report. Paris-2020. P. 166.
8. https://yumh.uz/images/news/eco_uz.pdf
9. Rajabov N. Zonal policy concept: prospects for effective investment climate management //Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – №. Maxsus son. – С. 212-219.
10. Исаджанов А.А. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг экологик жиҳатлари. Монография. ТДИУ. Илмий тадқиқот маркази. 2020. 137-138 б.